

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

# **ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-7/3**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2022**

**Бош муҳаррир:***Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.***Бош муҳаррир ўринбосари:***Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.***Тахрир ҳайати:**

<i>Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.</i>	<i>Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.</i>
<i>Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.</i>	<i>Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.</i>	<i>Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.</i>
<i>Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.</i>	<i>Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.</i>
<i>Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.</i>	<i>Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.</i>
<i>Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.</i>	<i>Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.</i>	<i>Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.</i>
<i>Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.</i>	<i>Сотипов Гойипназар, к/х.ф.д., проф.</i>
<i>Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.</i>	<i>Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик</i>
<i>Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.</i>	<i>Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.</i>	<i>Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.</i>
<i>Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.</i>	<i>Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.</i>
<i>Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.</i>
<i>Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.</i>	<i>Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.</i>
<i>Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.</i>	<i>Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.</i>
<i>Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.</i>	<i>Ўразбоев Файрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.</i>
<i>Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.</i>	<i>Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.</i>
<i>Каримов Улғубек Темирбаевич, DSc</i>	<i>Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.</i>
<i>Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.</i>	<i>Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.</i>
<i>Ламерс Жон, к/х.ф.д., проф.</i>	<i>Худайберганаева Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д., проф.</i>
<i>Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.</i>	
<i>Махмудов Рауфжон Бахоридович, ф.ф.д., к.и.х.</i>	
<i>Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.</i>	
<i>Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.</i>	
<i>Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.</i>	

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№7/3 (91), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. – 150 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

**МУНДАРИЖА**  
**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<b>Annaxasanova I.B.</b> Research of life and works of Alisher Navoi in the european and russian oriental studies .....	5
<b>Atamuratova N., Dusmetova S.</b> Issues of translating English methaphorical units into Uzbek .....	7
<b>Bobojonova Sh.</b> Ma'naviyat leksik-semantik kategoriyasining "axloq" ma'noviy guruhi ...	10
<b>Elmurodova F.N.</b> Ingliz va o'zbek tilidagi shaxs tasviri sifatlarining o'zaro badiiy tarjimasini	13
<b>Gulimmetova S.</b> Abduqayum Yo'ldoshev qissalarida muhabbat manzaralari .....	17
<b>Hayitov H.A., Amonova Sh.A.</b> Badiiy asar taraqqiyotida makaronizm, paralingvistizm va okkazionalizmlarning estetik ahamiyati .....	20
<b>Isakjanova Sh.</b> Essenavis mahorati .....	22
<b>Musurmankulova Sh.G.</b> O'zbekcha va turkcha frazemalar tavsifi .....	24
<b>Muxtorova U.T.</b> Tarixiy tetralogiyada badiiy xronop masalari tahlili .....	27
<b>Nabiyeva Sh.I.</b> Ortologiya va tilshunoslikda meyoriy o'quv lug'atlar tasnifi .....	29
<b>Nurullaeva K.Q.</b> Qarindoshlik terminlarining ilmiy nazariy asoslari .....	32
<b>Otamuratova M.</b> Zebo Mirzo – tuyg'ular suratini chizgan shoira .....	37
<b>Rahmatova S.</b> Tibbiy matndagi tarjima muammolari va tarjima qilish jarayonlaridagi qiyinchiliklar .....	40
<b>Saparboeva L.S.</b> The role of uzbek fairy tales in language culture .....	43
<b>To'rayeva U.Sh.</b> Yuridik tilning o'ziga xos xususiyatlari .....	45
<b>Xamdanova X.Sh.</b> "Rustamxon" dostonida sifat so'z turkumiga xos leksemalarning metaforalashuv hodisasi .....	47
<b>Xidirova N.A.</b> Analysis of the scientific literature on household terminology .....	50
<b>Xudaynazarova M.S.</b> Husayn Boyqaro va Alisher Navoiy munosabatlari haqida .....	53
<b>Yaxshilikova N.</b> "Navoiy" romanidagi dialoglarning lingvistik xususiyati .....	56
<b>Yusupova O.S., Alimova D.K.</b> Tasdiq va inkor gaplarning lingvopoetik xususiyatlari haqida ayrim mulohazalar .....	58
<b>Yusupova O.S., Urmonova H.A.</b> She'riy matnlarda jim qolish usulining qo'llanilishi .....	61
<b>Алланазарова Ф.К.</b> Улуғбек Ҳамдамнинг “Ҳайкаллар ороли” ҳикоясида неомифологик талқин яхлитлиги .....	63
<b>Барзиев О.Х.</b> Ҳажвий шеърда амалдорлар образининг поэтик талқини .....	66
<b>Бокарева М.</b> Репрезентация мифологических архетипов в романе В.Аксенова «Москва ква-ква» .....	69
<b>Бузрукова М.</b> Илтимос электрон хатларининг таҳлил модели .....	73
<b>Воситов В.А.</b> XVIII-XIX асрларда матбуот орқали инглиз тилига ўзлашган туркий ўзлашмалар .....	76
<b>Гибайдуллина В.Р., Бабаджанов Х.Б.</b> Причины и условия заимствований .....	79
<b>Гибайдуллина Ф.Р., Бабаджанов Х.Б.</b> А.С.Пушкин и Восток .....	82
<b>Джалилова Х.</b> Ҳенри Филдингнинг “Лиссабонга саёҳат кундалиги” асарининг жанр хусусиятлари .....	86
<b>Журакулов Р.Д.</b> Фразеология, заимствованная из узбекского фольклора .....	88
<b>Избасарова Ш.Б.</b> “Хотирам синиқлари” дostonининг лексик-семантик тадқиқи .....	91
<b>Кучиев М.А.</b> Илова конструкция таркибида қўлланилган фразеологик бирликларнинг функциялари .....	94
<b>Махаммадиев Ғ.И.</b> Ўрта асрларда Дабусиядан етишиб чиққан алломалар ҳаёти ва илмий мероси .....	99
<b>Маҳмудов А.Й.</b> Ҳайнрих Ҳайне ижодида диний бағрикенгликнинг ифодаси .....	102
<b>Муминова А.А.</b> Реклама матнида ундаш категориясини тадқиқ қилишнинг назарий асослари .....	105

<b>Муминова Н.А.</b> Тахаллуслар ва “Темурнома” асаридаги тахаллусларнинг лисоний хусусиятлари .....	108
<b>Палванова Ш., Бабаджанов Х.</b> Тюркизмы в русском языке .....	111
<b>Садикова Э.В.</b> Особенности пословиц с личным именем .....	114
<b>Сайдуллаева Р.И.</b> Некоторые вопросы использования терминов «ономастика» и «антропонимика» в русском языкознании .....	117
<b>Саломова Г.А.</b> Тилшуносликда «аббревиатура» термини муаммоси .....	120
<b>Сапарбоева Л., Эрматова Ж.</b> О сказке “Мальчик-звезда” Оскара Уайльда .....	125
<b>Сидоркова Л.Р.</b> Исторический комментарий грамматических архаизмов в романе «Дмитрий Донской» С. Бородин .....	127
<b>Фаттахова А.Р.</b> Творчество Алисы Ганиевой в аспекте литературной критики .....	130
<b>Хаитов Х.А., Жабборова А.Ш.</b> Адабиётда кулги маданияти ва санъатига муносабатнинг қадимий илдизлари .....	132
<b>Хаитов Х.А., Темирова М.А.</b> Бадиий асарларда лoфнинг алоҳида хусусиятлари .....	134
<b>Хайруллоева Н.Н.</b> Эко-фикшн жанри тараққиёти .....	137
<b>Хасанова Ю.М.</b> Шарқ ва ғарб эртак жанри намуналарида ахлокий сифатларнинг мотив сифатида концептуаллашуви .....	140
<b>Шаймарданова А.Р.</b> Ўзбек тилининг ички тизимости лақуналари .....	142
<b>Шукуров О.У.</b> Ўзбек тилида мустақиллик даври ўзлашмаларнинг семантик трансформацияси .....	145

Таким образом, можно утверждать, что творчество А. Ганиевой активно исследуется с различных позиций и ее произведения являются неотъемлемой частью современного литературного процесса России.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Басинский П. Награждение лауреатов литературной премии «Дебют-2009» прошло в Республиканской детской больнице.
2. А. (Гулла Хирачев). Таких ярких дебютов в прозе не было давно.
3. Гликман К. Один день в Дагестане. // Новый мир, № 11, 2010.
4. Ермолин Е.А. Медиумы безвременья: Литература в эпоху постмодерна, или трансавангард. – М.: Время, 2015. – С.10.
5. Камилова С. Современный рассказ: содержательные векторы и повествовательные стратегии (динамика жанра в русской и узбекской литературах). – Ташкент, 2016. – С.9.
6. Калафатич Ж. Поколенческий нарратив в критике нового реализма. – Annales Instituti Slavici, 2021. – С.256.
7. Мазанаев Ш.А. Деконструкция постмодернизма и зарождение нового реализма в современной русской литературе. // Вестник Дагестанского государственного университета. – Махачкала, 2018. – С.43.
8. Шаргунов С.: Читатели Алисы Ганиевой услышат звон горных ручьев («Книги» с Сергеем Шаргуновым, 27 ноября 2010).
9. Шульженко В.И. Две реальности «Кавказского» текста русской литературы в границах «нулевых» годов// Электронная библиотека.

УДК 808.5

### АДАБИЁТДА КУЛГИ МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИГА МУНОСАБАТНИНГ ҚАДИМИЙ ИЛДИЗЛАРИ

*Х.А.Хаитов, доц., PhD, БухДПИ, Бухоро*

*А.Ш.Жабборова, магистрант, БухДПИ, Бухоро*

**Аннотация.** *Ушбу мақолада узбек насри тараккиётида халқ оғзаки ижоди яъни аския, латифа, лофларнинг таъсири ва аҳамияти илмий-назарий таҳлил қилинган.*

**Калим сузлар:** *кулгитерапия, кулги ва йиғи, эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, тириклик ва ўлим, ҳақиқат ва ёлгон, Ахурамазда, Митра, М.Кошгарий, “Хибатул-ҳақойиқ” ва хоказо.*

**Аннотация.** *В данной статье научно и теоретически анализируется влияние и значение народных устных произведений, т.е. аския, анекдотов, восхвалений, в развитии узбекской прозы.*

**Ключевые слова:** *смехотерапия, смех и плач, добро и зло, свет и тьма, добро и зло, жизнь и смерть, правда и ложь, Ахурамазда, Митра, М. Кошгари, «Хибатул-хақайқ» и другие.*

**Abstract.** *In this article, the influence and importance of folk oral creations, i.e. askiya, anecdotes, praises, in the development of Uzbek prose is scientifically and theoretically analyzed.*

**Key words:** *laughter therapy, laughter and crying, goodness and evil, light and darkness, good and evil, life and death, truth and lies, Ahuramazda, Mitra, M. Koshgari, "Hibatul-haqaiq" and others.*

Кулги маданияти ва санъати қадимий анъаналар заминида шаклланган бўлиб, узоқ тарихга эга. Қадимдан одамлар ҳаётнинг эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, тириклик ва ўлим, ҳақиқат ва ёлгон, қувонч ва ғам, кулги ва йиғи, бахт ва бахтсизлик (ёки фожиа), гўзаллик ва хунуқлик, омад ва омадсизлик каби бир-бирига қарама-қарши бўлган диалектик категориялар фонидаги кескин курашлар асосида кечишига, уларнинг муайян кучлар томонидан бошқарилишига, кулгида сеҳрли (магик) куч борлигига ишониб келишган. Бунга кулги инсонга нафақат яхши кайфият, балки соғлиқ улашишининг амалиётда кузатилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ҳатто тиббиётда кулгитерапия жорийланган ва кулги инсонлар учун ҳаёт мантиғини англаш, умрни узайтириш, касални даволаш восита вазифасини ўтаган. Шунинг учун инсон авлодига чақалоқлигидан бошлаб кулиш ва кулдира олиш ўргатилади. Ҳатто йиғлаб турган чақалоқларга махсус кўшиқ – “овутмачоқ”лар айтиш орқали

йиғидан тўхтатилади. Эртақларда “сира кулмайдиган маликаларни кулдириш шarti” белгиланиб, бунинг учун уларнинг шоҳ мавқеидаги оталари ярим салтанатини беришга ваъда қилади. Бу эса фольклорда азалдан инсоннинг мураккаб ҳаёт манзараси ва объектив борлиққа эстетик муносабат билдиришда ўз анъаналари шаклланганидан далолат беради.

Қадимги инсонлар олам худолари (маъбудлар) етти марта кулганда, олам яралган, деб тушунишган. Худди куёш оламни ёритгани каби кулги инсон қалбини ёритиши эътироф қилинган. Шунинг учун европаликлар куёшни “осмон кулгиси” деб таърифлашади. Мисрликлар эса офтоб “нилуфар гулининг кулгиси” деб қарашган. Ўзбек халқ эртақларида кулса – оғзидан гул сочиладиган, йиғласа – кўзидан дур сочиладиган гўзал маликалар тасвири келтирилишида ҳам бевосита қадимги инсонларнинг кулгида магия хусусият борлиги ҳақидаги қарашларнинг бўрттирилганлиги англашилади.

Туркий аждодларимизнинг анъанавий тафаккурида кулги янги ҳаётни чорловчи ва бахтли турмуш белгиси бўлган. У ҳосилдорлик, оила, фарзанд, турмуш ғоялари билан уйғунлашиб, мифопозтик анъанада тирикликнинг умумий рамзи ҳисобланган. Кулги йиғи каби кўпгина халқ маросимларининг таркибий ёки тақиқланган элементи бўлган.

“Авесто”да Ахурамазда, Митра кабилар эзулик, яхшилик, тириклик, ҳақиқат, қувонч, бахт, шодмонлик ҳимоячилари, Ахриман ёвузлик, ёмонлик, ғам, кулфат, бахтсизлик ҳукмдори сифатида талқин қилиниши маълум. Қолаверса, зардуштийлик билан боғлиқ диний маросимлар, мавсумий байрамлар ва сайлларда “Авесто” матнини ижро этувчи муғлар санъати билан бир қаторда мифологик сюжетлар асосида яратилган лавҳаларни намойиш этиб берувчи театрлашган намойиш ижрочилиги, авестоҳонлик анъанаси, рамзий ўйинлар ва норасмий рақслар муҳим ўрин тутган. Бу анъананинг асосий моҳияти халқимизнинг турли хил урф-одатлари, маросимлари фольклори, мифологиясида ҳунармандчилик санъати мусиқа маданияти, театрлашган томоша санъатига сингиб кетган. “Авесто” ижрочилиги билан боғлиқ ўйин ва намойишлар мавсумий намойиш ўйинлари, мақом ижрочилиги, қайроқ ва занг билан ижро қилинадиган рақслар, қилич, пичоқ, калтак ва бошқа предметлар билан ўйналадиган эркак рақслари, ҳайвонларга тақлид асосида шаклланган понтамим рақслар, доира ва сурнай рақслари, қарсақ ўйинлари ва бошқа анъанавий томоша санъати элементлари замирида зардуштийлик эътиқодига алоқадор томоша санъати элементлари ётади. Барча халқлар маданиятида кулги култи даражасига кўтарилган тимсоллар мавжуд. Ўзбеклар орасида Насриддин Афанди мана шундай кулги култи даражасига кўтарилган эзулик ва ҳақиқат ҳомийсидир. Шунинг учун унинг тимсоли асосида халқ манфаатлари ҳар доим кулги воситасида ҳимоя қилинади. Айтишларича, худо йиғини от, ит, инсонга, кулгунни эса фақат одамзотга ато этган эмиш. Исломиий ҳадисда “Кулдурувчи ҳам, йиғлатувчи ҳам Оллоҳ таолодир!” дейилган. Қадимий инончларга кўра, кулгу фақат ҳаёт йўлдоши бўлиб қолмай, уни яратувчи ҳамдир. Шунинг учун қадимдан халқ орасида кулги ва ҳазил кунлари ҳам ташкил қилинган. Кулги кунларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши эса, ўз-ўзидан, кулги магиясига ишончни ифода этувчи ҳаётий-мифологик асосларга эгадир.

М.Кошғарий асарида кулги ҳақида қуйидаги маълумот ҳам алоҳида эътиборни тортади: “Куг” – бу бир хил кулгики, турли шаҳар халқи орасида машҳур бўлиб айтиб юрилади. Бу йил бу куг келди – бу йил бу кулги чиқди”.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ” асарида эса ҳазил сўзи қўллангани эътиборни тортади:

Нодир ва сузук оздир, **ҳазил** кўп бўлади,  
Чуз атлас ноёб бўлади, арзони бўздир.

Тарихий манбалар қадимда дунёнинг кўпгина мамлакатларида шоҳлар, қироллар, рожалар, графлару князларнинг махсус сарой қизиқчилари бўлганлигини тасдиқлайди. Жаҳоннинг барча қизиқчилари ҳукмдорларни кулгу ва ҳазил ниқобида бемалол танқид қилаверганлар. Балки ҳукмдорлар ҳам ўз хато ва нуқсонларини эслатиб турувчи қизиқчиларга эҳтиёж сезганлар. Чунки очик танқид ҳеч қачон шаҳс шаънига, ҳатто подшоҳлар шон-шавкатига путур етказмаган. Ўтмишда ҳар бир ҳукмдорнинг саройида махсус кулдирувчилар: қизиқчи ва масхарабозлар фаолият юритишган.

Кизиқчилар ҳақидаги дастлабки лавҳалар ҳинд эпоси “Рамаяна”да ҳам учрайди. Айрим манбаларда афсонавий Сулаймон пайғамбар даврида кизиқчилар бўлган дейилади. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида кизиқчилар саҳнасининг келтирилиши ўзбек фольклоридаги кизиқчилар санъати ўзбек халқи аждодлари учун ҳам яқин-яқинларгача хос бўлганлигини кўрсатади.

Халқ ижодида латифа, аския, лоф кабилар кулгу хазинасидир. Улар ҳар куни яратилиши мумкин бўлган энг оммавий ва ҳозиржавоб жанр намуналаридир. Инсон ҳатто оғир вазиятларда ҳам кулади. Уларнинг яратилишига қадимий инончлар ҳам, тарихий даврлар, тарихий шахслар ҳам таъсир кўрсатган. Айрим тадқиқотчилар туркий халқлар, жумладан, ўзбек фольклоридаги Насриддин образининг келиб чиқишини сарой кизиқчилари тарихи билан боғлайдилар<sup>5</sup>. Чунки кизиқчилик – ўзбек Афандисининг доимий ҳамроҳи. У от ёки эшакка тескари минади, айтилган ишларнинг тескарисини қилади. Тингловчилар ҳам буни табиий қабул қилишади. Сабаби, Афанди сиртдан тентак, овсар кўринса-да, аслида бу унга бир ниқоб бўлиб, у ўта донишманд, зийрак, содда муғомбирдир.

Қолаверса, қадимдан кишилар ақлан заиф, жисмоний нуқсонли кишиларни Оллоҳ назаридаги бандалар сифатида қараб, уларга хайрихоҳлик, ишонч билан ўзгача муомала-муносабатда бўлишган. Ақлан ёки жисмонан заиф одамларга (демона ва ногиронлар) дев ва парилар ҳомийлигидаги кишилар сифатида қаралган. Шунга кўра, уларни куч-қудрат тимсоли деб билишган. Бундай кишилар илоҳий кучлар, руҳий олам вакилларида мадад олиб туришига ишонилган.

Хуллас, кулги азалдан одамларнинг дунёқараши, киши характери, ички мураккаб руҳий кечинмалари, ўзгаларга ва воқеликка муносабатини ифодаловчи универсал восита бўлиб, улкан маънавий-маърифий, тарбиявий, бадий-эстетик аҳамият касб этувчи ақл ва қалб ҳосиласи саналган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авесто. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2015. – Б.23.
2. Нуруллаева С. Кулги кунларини ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳаётий-мифологик асослари // “Насриддин Афандининг дунё кулги маданиятидаги ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон, Бухоро шаҳри, 2019 йил 30 март. – Бухоро, 2019. – Б.149-151.
3. Кошғарий Маҳмуд. Девонул луғотит турк. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2017. – Б.368.
4. Аҳмад Югнакий. Ҳибатул-ҳақойиқ. – Тошкент: Академнашр, 2019. – Б.31.

УЎК 808.3

### БАДИЙ АСАРЛАРДА ЛОФНИНГ АЛОХИДА ХУСУСИЯТЛАРИ

*Х.А.Хаитов, доц., PhD, БухДПИ, Бухоро*  
*М.А.Темирова, магистрант, БухДПИ, Бухоро*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек насри тараккиётида лоф жанрининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти илмий-назарий таҳлил қилинган.

**Калим сузлар:** тўқима, муболаганинг таблиғ, игроқ, кучли муболага, сўз ва тезкор фикр, чечанлик, ҳозир жавоблик, топқирлик, зукколик, хушёрлик, моҳир ижодкорлик ва хоказо.

**Аннотация.** В данной статье научно и теоретически анализируется уникальная роль и значение жанра лоф в развитии узбекской прозы.

**Ключевые слова:** фактура, преувеличение, ирония, сильное преувеличение, словесность и быстрота мышления, красноречие, быстрая реакция, находчивость, остроумие, зоркость, умелое творчество и др.

**Abstract.** In this article, the unique role and importance of the lof genre in the development of Uzbek prose is scientifically and theoretically analyzed.

**Key words:** texture, exaggeration, irony, strong exaggeration, words and quick thinking, eloquence, quick response, resourcefulness, wit, vigilance, skillful creativity, etc.